O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARKAND VILOYATI
OQDARYO TUMANI
HOKIMI

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРКАНД ВИЛОЯТИ
ОКДАРЁ ТУМАН
ХОКИМИ

82

# QAROR

2004 йил «2» 02 №200-К

**Фермер хужалигига кушимча ер ажратиш тугрисида.**

Узбекистон Республикаси Президентининг «Кишлок хужалигида ислохатларни чукурлаштиришнинг энг мухим йуналишлари тугрисида» 2003 йил 24-мартдаги ПФ-3226-сон, «2004-2006 йилларда фермер хужаликларини ривожлантириш концепсиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тугрисида» 2003 йил 27-октябрдаги ПФ-3342-сон фармонлари ва Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 30-октябрдаги 476-сонли хамда вилоят хокимининг 2003 йил 6-ноябрдаги 258-К сонли «2004-2006 йилларда фермер хужаликларини ривожлантириш концепсиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тугрисида»ги карорига хамда туман хокимининг 2003 йил 6-ноябрдаги 489-К сонли карорига асосан кишлок хужалик махсулотларини етиштирувчиларнинг асосий шакл сифатида фермер хужаликларини ташкил килиш ва уларнинг фаолияти учун кулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек кишлокда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш максадида, ________________нинг фермер хужалигига кушимча ер майдони ажратиш тугрисидаги аризаси инобатга олиб

К А Р О Р   К И Л А М А Н:

1.Туман хокимлиги кошида ташкил этилган, ширкат хужаликлар негизида фермер хужаликлар ташкил этиш комиссиясининг 2003 йил 3-декабрдаги 2-сонли баённомасига асосан, «Янгиобод» ширкат хужалигидаги «JURAQUL OTA» фермер хужалигига 332-контурдан, жами ери –6,5 гектар, шундан: сугориб хайдаладиган ер –5,7 гектар, ихота –0,1 гектар, ариклар –0,3 гектар, йуллар –0,4 гектар ер майдони кушиб берилсин.

2. «JURAQUL OTA» фермер хужалигига «Самдаверлойиха» олийгохи мутахассисларининг 2003 йил 3 декабрдаги кайта йуклама килиш далолатномасига асосан тузилган ерларни хисоблаш кайдномаси тасдиклансин.

3.Туман ер ресурслари хизмати (Б.Абдураззоков)га ер кадастр ва бонитети асосида мазкур фермер хужалигига ажратилган ер майдонларини тегишли меъёрий хужжатларни ва давлат гувохномасини тайёрлаш;

-ДФХУ вакиллиги директори (А.Олимов)га «JURAQUL OTA» фермер хужалигини тайёрлов ташкилотлари билан шартнома тузишни ва шартномани бажарилишини хамда ердан окилона фойдаланишни назорат килиш;

-туман Давлат солик инспекцияси (О.Жураев)га «JURAQUL OTA» фермер хужалигини молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш, солик ва бошка мажбурий туловларини тартибга солиш;

-туман статистика булими (З.Эргашев)га «JURAQUL OTA» фермер хужалигининг статистик хисоботларини тугри олиб бориш ва умумлаштириш вазифаси юклатилсин.

4.Мазкур карорнинг ижросини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Ю.Абдимуродов зиммасига юклатилсин.

Туман хокими :- [signature] Ш.Негматов